

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Оқбоев, Н.Муталлиев
Параболо-гиперболик тенглама учун Трикоми масаласи.....6

КИМЁ

И.Аскарлов, А.Хаджикулов
Хурмо экстрактларининг антиоксидантлик хусусиятларини ўрганиш.....10

А.Ибрагимов, Т.Амирова, А.Иброхимов
Матоларни кимёвий таркибига кўра сертификатлаш ва таснифлашга доир.....15

И.Аскарлов, М.Ҳожиматов, Ф.Абдугаппаров
М-ферроценилбензой кислотасининг метиллолдитиомочевина билан реакциясини ўрганиш.....19

М.Акбарова
Синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва атроф муҳитга таъсири.....24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

А.Гадоев, Х.Комилова, Г.Гадоева
Қува туманида уй ҳайвонларининг саркоспоридийлар билан зарарланиши.....29

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

З.Таджибаев
Рақамли иқтисодиёт нима?32

ТАРИХ

А.Азизов
Замонавий этнологик тадқиқотларда ҳайвонот олами билан боғлиқ қарашларнинг назарий-методологик талқини37

З.Раҳманов, Р.Муродалиев
Фарғона вилояти ҳудудидаги мозор-кўрғонларни ўрганиш бўйича янги тадқиқот.....43

Ж.Адилов
Александр Бекович-Черкасский Хивага юришининг тарихи тарихий-географик тадқиқотлар контексти жиҳатидан.....50

Ж.Тоғаев
Тарихий реконструкция масаласига доир баъзи мулоҳазалар.....55

Қ.Пўлатов
XX асрнинг 20-50-йилларида ўзбек театр ва кино санъати мафкуравий тарғибот қуроли сифатида61

М.Тухтаева
Муслмон ренессанси даврида Марказий Осиёда ҳунармандчилик (IX-XIIасрлар)....65

Б.Аббасов
Ўзбекистон ССРнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни.....70

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.Раҳимов
Бадий тил ва ижодкор маҳорати.....75

УДК: 33+681.142.32

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ НИМА?

ЧТО ТАКОЕ ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА?

WHAT IS THE DIGITAL ECONOMY?

3.Таджибаев¹¹ 3.Таджибаев

— ФарДУ, иқтисодиёт ва сервис кафедраси
доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Аннотация

Мақолада иқтисодиётни ривожлантиришнинг сўнги босқичи маҳсули бўлган рақамли иқтисодиёт янги воқелик сифатида мазмун-моҳият, анъанавий иқтисодиёт билан алоқа, афзаллик, самарадорлик ва тараққиётни жадаллаштириш жиҳатидан таърифланади.

Аннотация

В статье цифровая экономика, являющаяся продуктом последнего этапа развития экономики характеризуется с точки зрения сущности, содержания, связи с традиционной экономикой, преимуществ, эффективности и ускорения прогресса.

Annotation

In the article, the digital economy, which is a product of the development of the last stage of development, is characterized in terms of its essence, content, connection with the traditional economy in terms of the advantages, efficiency and acceleration of socio – economic development.

Таянч сўз ва иборалар: рақамли иқтисодиёт, анъанавий иқтисодиёт, маиший техника, мобил компьютер, ишлаб чиқариш, автоматлаштириш, унумдорлик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш.

Ключевые слова и выражения: цифровая экономика, традиционная экономика, бытовая техника, мобильный компьютер, производство, автоматизация, производительность, производство, сервис.

Keywords and expressions: digital economy, traditional economy, household appliances, mobile computer, production, automation, productivity, production, service.

Рақамли иқтисодиёт инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига кенг кириб бормоқда. Бу нарсани осонроқ тушуниш учун кундалик турмушимизда бўлаётган ўзгаришларга мурожаат қиладиган бўлсак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳозирда биз маиший техника воситаларидан тобора кўпроқ ва кенгроқ фойдаланяпмиз. Улар бизга шундай қулайликлар ва енгилликлар яратмоқдаки, илгари бундай ўзгаришлар тасаввуримизда ҳам йўқ эди. Чунки улардан фойдаланиш туфайли уй - рўзгор юмушлари бизга малол келмай қолмоқда ва жуда катта қулайликлар туғдирмоқда. Ҳозирда кундалик ҳаётимизда фойдаланаётган маиший техника турлари ниҳоятда кўп ва турли - тумандир. Шунинг учун биз баён қилаётган фикримизни тасдиқлаш учун уларнинг асосийларидан баъзи бирларини келтирамиз.

Ҳозирда биз ҳаётимизни мобил телефонсиз тасаввур қилишимиз қийин. Улар дастлаб бизга фақат сўзлашиш воситаси бўлиб хизмат қилган бўлса, кўп вақт ўтмасдан шундай катта ўзгаришларга дучор бўлдики, энди улар нафақат сўзлашиш

воситаси, балки кўп сонли қўшимча юмушларни бажарадиган ёрдамчимиздир. Чунки ҳозирги кунда у бажараётган барча функцияларни бу ерда келтириш қийин, албатта. Шунинг учун уларнинг асосийларини келтириб ўтамиз – телефон рақамларни хотирада сақлаш, вақтни кўрсатиш, календарь, микрокалькулятор, пул ўтказмаларини амалга ошириш, телеграмм орқали хужжатлар ва бошқа босма ишларни электрон версиясини жўнатиш ва қабул қилиш, дунёда ва мамлакатимизда бўлаётган янгиликлар билан тезкор танишиш ва ҳ.к.лар. Мобил телефондан аҳамияти кам бўлмаган персонал компьютерни оладиган бўлсак, уни функциялари ҳам ниҳоятда кўп. Кези келганда айтиш жоизки, ўтган асрнинг 80 - йилларида қилинган прогнозга мувофиқ персонал компьютер бўлиши мумкин эмас эди. Чунки ўша пайтдаги электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) функциялари жуда чекланган бўлиб, унинг ўзи катта бир хонани эгаллар эди. Ҳозирга келиб эса у такомиллашиб, ҳажми ниҳоятда ихчамлашди, аксинча функциялари бениҳоя кўпайди. Энди

ноутбук номи билан юритиладиган компьютер ҳаётимизга шундай чуқур кириб бордики, у бизнинг беминнат ёрдамчимизга айланган ҳолда юмушларимизни мисли кўрилмаган даражада тез ва осон бажаришни уддаламоқда. У ёзув машиналарининг ўрнини босиш билан бирга бошқа тасаввур қилиш қийин бўлган кўп сонли функцияларни амалга оширмоқда.

Кундалик ҳаётимизда фойдаланаётган қайси бир маиший техникани олмайлик (кир ювиш машинаси, телевизор, музлатгич, чанг ютгич ва х.к.лар) уларнинг барчаси у ёки бу даражада мобиль телефон билан персонал компьютерда мужассамлашган функцияларга эга. Бироқ аввалгиларидан фарқли ўлароқ улар мураккаб бўлиб, фойдаланишда ҳам худди шундай хусусиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, улар одамлар бажарадиган ва ақл талаб қиладиган ишни ўзлари бажараверади, чунки улар маълум даражада ақл (сунъий интеллект)га эга, лекин биз бу “ёрдамчиларимиз” га буйруқ беришимиз керак. Бунинг учун эса уларда акс эттирилган рақамлар, белгилар, рамзлар, тасвирлар, образлар, тимсоллар ва ш.ў.лар билан тўқнашамиз ва улар шартли равишда рақамлар деб аталади ва рақамли иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади. Фойдаланишда бизнинг вазифамиз уларни билиш ва бошқаришдир.

Биз рақамли иқтисодиётни ўзимизга яқин бўлган ва кундалик турмушимизда қўлланиладиган буюмлардан бошладик. Энди бу нарсани ишлаб чиқариш мисолида кўришимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки рақамли иқтисодиётнинг келиб чиқишига сабаб бўлган ва асосий қўлланиш доираси ҳам айнан ишлаб чиқаришдир. Чунки бизнинг турмушимизда фойдаланилаётган маиший техникаларнинг барчаси саноатда яратилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш (саноат) иқтисодиётнинг барча соҳалари учун меҳнат қуролларини етказиб беради. Улар ўз навбатида ана шу қуроллардан фойдаланиб, ўз соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқарадилар ёки хизмат кўрсатишни амалга оширадилар. Масалан, ҳозирги ривожланган мамлакатлардаги қишлоқ хўжалигини олиб кўрайлик. Унда қишлоқ хўжалиги экинларини экишдан тортиб, то ҳосилни йиғиштириб олиш, қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб беришгача бўлган амаллар саноатда яратилган механизация ва автоматлаштириш

воситалари орқали бажарилади. Бу нарсани иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида: қурилиш, транспорт ва ҳ.к. ларда ҳам кузатишимиз мумкин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, саноат тармоғи тарққиёти нафақат ушбу тармоқнинг ўзида, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам аввал индустрлаштирилган иқтисодиётни, сўнг эса постиндустириал иқтисодиётни барпо бўлишига олиб келди. Демак, барча соҳаларда ишлаб чиқариш, биз биринчи навбатда ривожланган мамлакатларни кўзда тутиб гапиряпмиз, автоматлашиб, мураккаб жараёнга айландики, уларни бошқариш ҳам юқорида келтирилган ўзгаришларга (рақамлар, белгилар, образлар ва ҳ.к.лардан фойдаланган ҳолда бошқаришга) дучор бўлди. Қолаверса, хизмат соҳаси ҳам саноатда яратилган воситалар орқали инқилобий ўзгаришларга дучор бўлдики, унда хизматдан фойдаланиш тез, қулай, арзон ва самарали бўлиб бормоқда. Биз турмушда фойдаланаётган маиший техникаларимизда қандай ўзгаришлар бўлаётган бўлса, уларни ва бошқа соҳаларда фойдаланилаётган маҳсулотларни - техника, технология, жиҳозлар ва ш.ў. ларни ишлаб чиқаришда ҳам худди шундай ўзгаришлар юз бермоқда ва бу жараёнда ҳам рақамлардан кенг тарзда фойдаланилмоқда. Чунки ишлаб чиқариш автоматлаштирилган, у катта тезлик, юқори унумдорлик, ҳарорат, босим, мураккаб тузилма, узлуксизлик ва ш.ў.каби параметрларга эга бўлиб, рақамлаштиришсиз бу жараённи бошқаришни тасаввур қилиб бўлмайди. Саноат ишлаб чиқараётган маҳсулотлар (техника, технология, ахборотлаштириш воситалари ва ҳ.к.лар) орасида ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) тўғрисида алоҳида тўхталиш керак. Чунки улар рақамлаштиришда марказий ўринни эгаллаб, тақрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашув ва истеъмолни қамраб олади. Эътиборлиси, АКТ ўзлари янги бир маҳсулот яратмайди, уларни асосий функцияси юқорида қайд қилинган тўрт босқичнинг барчасида жараёнларнинг тезлашиши, қулайлашиши, арзонлашишига кўмаклашади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёни тўғрисида катта ҳажмдаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, узатиш ва шу каби юмушларни

бажариб, бошқариш қарорларини қабул қилишни осонлаштиради, тезлаштиради ва самарасини оширади. АКТ айниқса хизмат соҳасини тубдан ўзгартириб, истеъмолчилар учун жуда катта енгилликлар ва қулайликлар яратади. Бунга телефон орқали пул ўтказмалари, турли хил тўловларни амалга ошириш, зарур бўлган нарсага буюртма бериш, огоҳлантириш, масофани қисқартириш, вақтдан ютиш, харажатларни камайтириш ва ҳ.к.ларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Муҳим хизмат турига кирувчи савдода эса инқилобий ўзгариш, яъни электрон тижоратни йўлга қўйилиши бўлди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозирда барча товарлар сунъий интеллект хусусиятига эга бўлиб бормоқда. Бу нарса рақамли иқтисодиётнинг муҳим белгисидир. Бунда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда фойдаланилаётган техника тобора “ақллироқ” бўлиб, илгари инсон бажараётган ижодий характерга эга бўлган юмушларни ҳам бажармоқда.

Рақамли иқтисодиёт барча иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг (биз ҳаммамиз ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, ёки истеъмолчи сифатида иқтисодий муносабатлар иштирокчиларимиз) ўзаро муносабатлари характерини ўзгартирмоқда. Иқтисодчиларга кўра, у (анъанавий иқтисодиёт) ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнида одамлар ўртасида келиб чиқадиган муносабатларни ўрганади. Рақамли иқтисодиёт эса ана шу иқтисодиётнинг тадрижий (эволюцион) ривожланиши натижаси бўлиб, у бозор иштирокчилари муносабатлари характерини ўзгаришидир. Янги муносабатлар қулайроқ, тезроқ, арзонроқ ва самаралироқдир. Бу нарсани биз иқтисодиётнинг ҳар бир тармоқ ва соҳасида кўришимиз мумкин. Масалан, такси хизматидан фойдаланиш ҳозирда илгаригига қараганда жуда катта ўзгаришларга учраган. Энди таксини қидириб юрмаймиз ва уни хоҳлаган жойимизга чақиришимиз, тез, қулай ва манзилимизга арзон етиб олишимиз мумкин, муҳими бунга кўп вақт сарфламаймиз.

Соғлиқни сақлашда ҳам рақамлаштириш туб ўзгаришларга олиб келди. Уларга қоғозли медицина картасидан электрон карталарга ўтиш, телемедицина, операцион жараёнларни автоматлаштириш,

беморлар ва мурожаат қилувчилар тўғрисида маълумотларни автоматик тарзда йиғиш, диагностика қилиш, ва ташхис қўйиш ва ҳ.к.лар медицина хизмати кўрсатиш сифатини анча ошириб, уни тезлаштирди ва қулайлаштирди. Таълим соҳасида рақамлаштириш келтириб чиқараётган трансформация медицинадан кам эмас – электрон дарсликлар, электрон библиотекалар, электрон журналлар, кундаликлар, онлайн курслар, мобиль ўқув, ўқув жараёнида телекоммуникация воситаларини қўллаш, масофадан туриб ўқиш ва ҳ.к.лар. Иқтисодиётнинг қайси бир соҳасини олмайлик, истисносиз барчасида юқорида келтирилган ҳолат у ёки бу даражада ўз ифодасини топган. Шунинг учун бу иқтисодиётни рақамли иқтисодиёт деб аталади. Рақамли иқтисодиётни рўёбга чиқишида муҳим роллардан бирини ахборот – коммуникация технологиялари ўйнайди, чунки улар ёрдамида бозор иштирокчилари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнини бошқарадилар, ўзаро ахборот алмашиналади, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи, воситачиларсиз бевосита муносабатга киришишлари мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир муҳим жиҳати бу – замонавий технологияларни, шу жумладан, ахборот технологияларини бошқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассисларни талаб қилиниши ва муҳими доимий ўқиш қобилиятига эга бўлиш, пайдо бўлаётган янги технологиялар бўйича янги билимларни мунтазам ўзлаштириб бориш. Бу нарса рақамли иқтисодиётда марказий ўринни эгаллайди.

Рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари:

1. У тўловлар қийматини пасайтиради ва даромадни янги манбасини ҳосил қилади. Онлайнда хизматлар нархи, анъанавийга қараганда арзон (энг аввало, харажатланишга харажатларни камайтириш туфайли), бундан ташқари, рақамли дунёда товар ва хизматлар глобал бозорга тез чиқиши мумкин, одамларга дунёнинг ҳар қандай бурчагида уларга эришиш имкониятини яратади. Рақамли иқтисодиёт кўпроқ ранг-баранг ахборот, таълим, илмий, кўнгил очар хизмат турларини тез, сифатли, ва қулай амалга оширади.

2. Ҳозирда рақамли иқтисодиёт жараёнига жалб қилинмаган иқтисодиёт

тармоғи деярли қолмаган бўлса-да, савдода, молиявий секторда, давлат бошқарувида рақамли иқтисодиётни қўллаш енгилроқ ва таъсири кучлироқ. Хитойнинг **Alibaba Group компанияси** интернет тижорат билан шуғулланади ва ҳозирда уни бутун дунёда 500 млн харидори мавжуд. 1999 йилда фаолиятини бошлаш учун рўйхатдан ўтганлигига қарамасдан 2019 йилда уни сотув ҳажми 900 млрд долларни ташкил қилди.

3. Бизнес жараёнлар тобора кўпроқ онлайнга ўтказилиши. Бу компаниянинг барча бизнес жараёнларини (шартномани келишиш, бухгалтерия хисоби, логистик жараёнлар, битимларни рўйхатга олиш, харид қилиш, персонални ўқитиш, ҳамкорлар ва мижозлар билан ўзаро муносабатни мониторинги ва б.) бошқариш, назорат қилиш ва таҳлилини онлайн тартибда амалга оширилиши.

4. Рақобатбардошликнинг ошиши ва бозорга ўрта ва кичик корхоналарнинг кириб боришини осонлаштириши. Рақамли иқтисодиёт шароитида бошланишида катта молиявий ресурсларга эга бўлмаган, лекин инновациялар ва мижозлар эҳтиёжлари билан ишлашни яхши йўлга қўйган кичик корхона ҳам жуда тез ривожланиб кетиши мумкин. Бунинг тасдиғи сифатида 2004 йилнинг февраль ойида Марк Цукерберг томонидан ташкил қилинган ижтимоий тармоқ Facebookни келтириш мумкин. Бугунги кунда унга хар куни 2 млрд. одам ташриф буюради. Уни бозор қиймати 633 млрд. доллар ва у дунёнинг энг йирик 10 та компаниялари рўйхатига киради.

5. Рақамли технологиялар ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчини бевосита боғланишини таъминлаб, воситачиларга ҳожат қолдирмайди ва муҳими бунда коррупциянинг олди олинади ва шаффофлик таъминланади.

Рақамли иқтисодиётни самарали амал қилиши учун уч нарса зарур – инфратузилма (интернетдан қийинчиликларсиз фойдаланиш, телекоммуникация), электрон бизнес (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни компьютер тармоғи орқали олиб бориш), электрон тижорат (интернет орқали товарларни сотиш).

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш интернетга киришнинг тезлиги, қулайлиги ва телелекоммуникация билан боғлиқ. Бироқ

бундай “алоқа канал” лари ўз-ўзидан қийматга, нафга эга эмас, агарки, одамлар иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида катта ҳажмдаги товарлар ишлаб чиқариб, истеъмолчи учун шунча кўп хизмат таклиф қилмаса, яъни АТК (ахборот технология коммуникация) воситаларини “иш билан таъминламаса”. Шунинг учун рақамлаштиришнинг бошланғич нуқтаси, дастлабки асоси жамият ҳаётининг барча соҳаларини, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни, технологик жиҳатдан такомиллашишидир. Рақамли иқтисодиёт атамасини АҚШ да келиб чиқиб, унда ва технологик жиҳатдан юксак даражага кўтарилган мамлакатлар – Австралия, Буюк Британия, Сингапур сингари мамлакатларда ривожланаётгани бежиз эмас.

Рақамли иқтисодиёт деганда, бу нима экан деб хавотирга тушишимизга ўрин йўқ. Чунки рақамли иқтисодиёт бу реал (анъанавий) ва биз билган оддий иқтисодиётни билимлар туфайли эволюцион ривожланиши бўлиб, у кенг маънода ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бошқариш ва коммуникацияда ахборот технологияларидан фойдаланишдир. Тор маънода рақамли иқтисодиёт инсон меҳнатидан фойдаланмасдан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ўтиш. Масалан, ҳайдовчисиз автомобиллар қўриқлашни одамлардан видеокамераларга ўтказилиши, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнида роботлар одамларсиз операцияларни бажариши ва ҳ.к.лар.

Агар рақамли иқтисодиётни умумлаштирган ҳолда иқтисодчилар тили билан ифода қилсак – бу рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий муносабатлар тизимидир.

Шунинг билан бирга рақамли технологиялар ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчини бевосита боғланишини таъминлаб, воситачиларга ҳожат қолдирмайди ва муҳими бунда коррупциянинг олди олинади ва шаффофлик таъминланади.

Яқунида шуни таъкидлаш керакки, рақамли иқтисодиёт тараққиётни жуда тезлаштириб юборди, жаҳоннинг етакчи олимлари фикрига кўра, билимларга асосланган рақамли иқтисодиёт туфайли инсоният XX аср тараққиёти давомида босиб

ўтилган йўлни XXI – асрнинг 14 йилида босиб ўтган, бу йўлни яна бир марта босиб ўтиш учун энди 7 йил талаб қилинади холос. Энг қизиғи, аср охирига бориб бундай йўлни 1 кунда босиб ўтиш мумкин бўлар экан. Кўриниб турибдики, шиддат билан ўзгараётган оламда одамлар янгиликларни ўзлаштириб улгурмаяптилар. Бу муаммони ҳал қилишнинг бирдан – бир йўли таълим,

билим. Чунки ҳозирда том маънода билим бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб, халқ саводхонлигининг умумий даражасини юқори бўлишини тақозо қилмоқда. Бу нарса келиб чиққан замонавий нақлни тўлиғича тасдиқламоқда, яъни “халқ қандай ўқиса, шундай яшайди” ёки бўлмаса “таълим охир оқибат - бу ривожланишдир”.

Адабиётлар:

1. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”. <https://review.uz/oz/tag/prezidenti-famoni>.
2. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019.
3. Рақамли иқтисодиёт: муаммолар ва имкониятлар. <https://mininnovation.uz/uz/news/raqamli-iqtisodiyot-muammolar-va-imkoniyatlar>

(Тақризчи: М.Адҳамов - иқтисод фанлари доктори, профессор).